

BOSHQARMASI BUXORO VILOYATI
QOROVULBOZOR TUMAN
DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

QAYTA RO'YXATDAN O'TKAZISH
№ _____ sonli reestr raqami 30.08.2020

305322



“TASDIQLANGAN”
“O’ZPARAVTOTRANS”

aksiyadorlik jamiyati aksiyadorlarining 2020
йил “30” сентябр кунидаги умумий йиғилиши
қарори билан

“O’ZPARAVTOTRANS”

aksiyadorlik jamiyati

УСТАВИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (06.05.2014й. УРК.-370-сон) ва «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»ги (03.06.2016й. ЎРК-387) Қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида:

- Кирилл ёзувида - «Ўзпаравтотранс» акциядорлик жамияти.

- лотин ёзувида - «O'zparavtotrans» aksiyadorlik jamiyati.

Рус тилида:

- Акционерное общество «Узпаравтотранс».

Инглиз тилида:

- Joint stock company «O'zparavtotrans»

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида:

- Кирилл ёзувида - «Ўзпаравтотранс» АЖ.

- лотин ёзувида - «O'zparavtotrans» AJ.

Рус тилида:

- АО «Узпаравтотранс».

Инглиз тилида:

- JSC «O'zparavtotrans».

1.4. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган муддатга ташкил этилган.

1.5. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, Қарши шоссеси. Индекс: 200900.

1.6. Жамиятнинг электрон почта манзили:

Uzparavtotrans007@umail.uz, Uzoaravtotrans@mail.ru

1.7. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.uzpat.uz

2. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАКСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

2.1. Қуйидагилар жамиятни ташкил этиш ва фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади:

Жамиятнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида бозор инфраструктурасини барпо этиш, юридик ва жисмоний шахсларга автотранспорт хизмат кўрсатиш.

2.2. Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни ечиш учун қуйидаги ҳуқуқларига эгадир:

а) халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш;

б) саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, халқ истеъмол молларини улгуржи ва чакана савдосини ташкил этиш; .

в) ўзи ишлаб чиқарган, вилоят ташқарисидан ҳарид қилган маҳсулотни сўмга ва валютага сотиш учун турли ҳилдаги савдо корхоналарини очиш.

г) амалга ошириладиган иш ва курсатиладиган хизматларга бўлган талаб ва ривожланиш бизнес-режасининг асосий иқтисодий курсаткичлари асосида ўз фаолиятини режалаштириш ва ривожланишнинг истикболини белгилаш;

д) ўз фаолиятини ривожлантириш бизнес-режасини тузиш;

е) белгиланган тартибда асосий воситаларни ижарага бериш ва олиш, кредит, лизинг, гранд, ва бошқа молиявий ёрдам маблағларини жалб этиш;

ж) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва халқаро шартномаларга мос равишда ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш, чет эллик ҳуқуқий шахслар билан илмий ва илмий-техник ҳамкорликни мустақил амалга ошириш;

з) амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва мустақил равишда ўз балансидан мол-мулк, қарзларни, қамомад ва бошқа зарарларни чиқариш;

и) Жамият фаолиятининг барча йўналишларида ўз мунособатини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ўз фаолияти мақсади ва предмети доирасида юридик ва жисмоний шахслар билан тузиладиган шартнома, келишув, контрактлар асосида ташкил этади;

к) маҳаллий ва халқаро микёсда илмий конференция, симпозиум, форум, давра суҳбатлари ташкил этиш ва уларда иштирок этиш;

л) ўз фаолиятини моддий-техник таъминотини ташкил этиш, ўз фаолияти натижасида олинган даромадларни мустақил равишда тасарруф этиш, шунингдек молиявий ва бегараз хайрия ёрдам курсатиш;

м) бошқа манбалардан келган молиявий маблағлардан фойдаланиш;

н) мавжуд молиявий маблағлар манбалари ҳисобидан асосий ва айланма воситаларни соғиб олиш ёки ижарага олиш;

о) қонунчиликда белгиланган тартибда таркибий тузилмаларни ташкил этиш, Ўзбекистон ичидан ва хориждан мутахассислар ёллаш, уларнинг меҳнагига ҳақ тўлаш услуги, миқдори ва турини мустақил белгилаш;

п) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави ва унда белгиланган мақсад ва вазифаларга зид бўлмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш;

р) Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида инобатга олинган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сунг амалга оширилади.

Жамият юқорида курсатилган фаолият турларидан ташқари ўзига қарашли бўлинмалар, қорхоналар ишини яхшилаш ҳамда уларни қуллаб-қувватлаш учун қонунчиликка зид келмайдиган бошқа ишларни ҳам бажариши мумкин.

2.3. Жамият фаолияти юқоридан белгиланган фаолият турлари билан чегараланмайди.

Жамият амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставга зид бўлмаган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

2.4. Жамиятнинг хўжалик ва бошқа фаолиятига давлат ва бошқа ташкилотлар томонидан аралашувига йўл қўйилмайди, агар бу Жамият фаолиятини белгиланган тартибда назорат қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаса.

2.5. Жамият томонидан хайр саховат, эҳсон (благотворительность) ва бошқа текинга, пулсиз (безвозмездно) амалга ошириладиган ёрдамларга ҳар йили ажратиладиган ҳаражатлар ўтган йил олинган соф фойданинг 10 фоизидан ошмаслиги керак, бунда бизнес-режанинг соф фойда қисми бўйича ўтган ҳисобот йили курсаткичлари бажарилган тақдирда ушбу ҳаражатлар амалга оширилиши мумкин.

3. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

3.2. Жамият Устав фонди миқдори номинал қиймати 5 000 сум бўлган 393 486 дона оддий ва 3 531 дона имтиёзли жами 397 017 дона эгаси ёзилган нақдсиз (ҳужжатсиз) акцияларга бўлинган бўлиб, жами 1 985 085 000 сўмдан иборат ва акциядорлар ўртасида қўйидагича тақсимланган:

- Давлат улуши (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларинир бошқариш агентлигига берилган) 38.33 фоизлик, умумий қиймати 760 830 000 сум бўлган, жами 152 166 дона оддий акция;

- Очиқ савдо улуши (меҳнат жамоаси ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахслар) 61,68 фоизлик, умумий қиймати 1 224 255 000 сўм бўлган, жами 244 851 дона акция (шундан 241 320 дона оддий ва 3 531 дона имтиёзли);

а) Жамият Устав фонди миқдорини қўпайтириш.

3.3. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин.

3.4. Қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

3.5. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

3.6. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитални ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

3.7. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) унинг ўз капитални ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айна ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

3.8. Жамият ташкил этилганда, унинг устав капитални хорижий инвесторларнинг улуши 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади, қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.9. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қозғаларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

3.10. Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилиги овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

3.11. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қозғаларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

3.12. Солиққа оид ёки давлат олдидagi бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталнидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари)розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг

б) Жамият Устав фонди миқдорини камайтириш.

3.13. Жамиятнинг устав фонди (устав капитални) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.14. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга, агар бундай имконият жамиятнинг уставида назарда тутилган бўлса, йўл қўйилади.

3.15. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капитални) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

3.16. Агар устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори жамиятнинг уставига киритилган тегишли ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш қуни белгиланадиган жамият устав фондининг энг кам миқдоридан қонун ҳужжатларида белгиланганидан камайиб кетадиган бўлса, жамият устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

3.17. Устав фондини камайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.18. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ жамият соф

активларининг қиймати жамият устав фондининг (устав капиталининг) «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (06.05.2014й. УРК.-370-сон) Қонуннинг 17-моддасида кўрсатилган энг кам миқдоридан оз бўлиб чиқса, жамият ўзининг тугатилиши ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

3.19. Жамиятда жамият уставида назарда тутилган, аммо унинг устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади.

Жамиятнинг захира фонди жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори жамият уставида назарда тутилади, аммо бу миқдор жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

3.20. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар буйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мулжалланади.

3.21. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

4. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ, НОМИНАЛ КИЙМАТИ, ТУРЛАРИ

4.1. Жамият томонидан кимматли коғозларни муомалага чиқариш, рўйхатдан ўтказиш, жойлаштириш ва улар буйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Устав билан белгиланади.

4.2. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий кимматли коғозлар булиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли булиши мумкин.

4.3. Акция булинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан узларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

4.4. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, уша юридик ёхуд жисмоний шахе акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

4.5. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар булиб, улар уз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда ишгирок этиш ҳуқуқини беради.

4.6. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилгунга қадар уз акциялари номинал кийматининг икки баравари миқдорида оладилар.

4.7. Уз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга куйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир.

4.8. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга куйилган масापани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция жамиятнинг овоз берувчи акцияси ҳисобланади.

4.9. Жамият ҳар бирининг номинал киймати 5 000 сум бўлган акцияларни муомалага чиқаради.

4.10. Жамият Устав фонди миқдори номинал киймати 5 000 сум бўлган умумий киймати 1 985 085 000 сўм бўлган, 393 486 дона оддий ва 3531 дона имтиёзли жами 397 017 дона эгаси ёзилган нақдсиз ҳужжатсиз акциялардан иборат.

Жамият жойлаштирилган акцияларга қушимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акциялар: номинал киймати 5 000 сум бўлган, 19 537 676 дона оддий ва 197646 дона имтиёзли жами 19 735 322 (ўн туққиз миллион етти юз ўттиз беш минг уч юз йигирма икки) дона эгаси ёзилган нақдсиз (ҳужжатсиз) акциялардан иборат.

4.11. Жамият ўз хўжалик фаолияти натижасидаги зарарларни қоплаш мақсадида акцияларни муомалага чиқариши мумкин эмас.

5. ДИВИДЕНДЛАР ТўЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Жамият ҳужалик фаолияти натижасида олинган фойда, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сунг жамият мулки ҳисобланади ва амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Уставга асосан Жамият

фондларини шакллантириш, қайта инвестициялаш ва акциялар буйича дивиденд тўлаш учун ишлатилади.

5.2. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури буйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

5.3. Акциядорлар жамиятининг умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

5.4. Жамият йилнинг ҳар чорагида, ҳар ярим йилда ёки йилига бир марта жойлаштирилган акциялар буйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга (эълон қилишга) ҳақлидир.

5.5. Акцияларнинг ҳар бир тури буйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тури шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботни ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий Ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари буйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар буйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилади.

5.6. Дивидендлар Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

5.7. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

5.8. Жамият: жамият устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб булингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар буйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

5.9. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундирилаётган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

5.10. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхури томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

5.11. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, акциянинг номинал қийматига нисбатан 1 (бир) фоиздан 100 (юз) фоизгача миқдорда дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

5.12. Жамият томонидан оддий акциялар буйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

6. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИ

6.1. Жамиятни бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув Кенгаши;
- Ижроия органи (Бошқарув).

7. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юкори бошқарув органидир.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши уз фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатлари, мазкур Устав ва “Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширади.

7.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

7.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

7.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг бошқарув раиси (хорижий менежер)ни ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш (агар ушбу ваколат жамият кузатув кенгашига берилмаган бўлса), уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича курилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

Жамиятда акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини одатда ҳар йили июн ойининг учинчи декадасида ўтказилади..

7.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

7.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

7.7. Жамиятнинг барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган ҳолатда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Қонун ҳужжатлари ва мазкур устав билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколагига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яққа тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади, жамиятнинг имтиёзли акциялари қонун ҳужжатларига мувофиқ овоз бериш ҳуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно. Бунда қонун ҳужжатлари ва ушбу уставда белгиланган акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик куриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи коидалар қулланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли коидалар бундан мустасно.

Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда уларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузишга ҳақли.

Миноритар акциядорлар ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини кўллаш йўли билан АЖ бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

АЖ маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини таъминлаш ҳаражатини коплайди (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда).

7.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

а) жамият уставига узгартиш ва қушимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) жамиятни қайта ташкил этиш;

в) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш;

- ж) жамиятнинг устав фондини (устав капитални) камайтириш;
- з) ўз акцияларини олиш;
- и) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- к) жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- л) жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йуналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- м) жамиятнинг фойдаси ва зарарларини ҳақимлаш;
- н) жамият кузатув кенгашининг уз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини эшитиш;
- о) жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) уз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни молия-ҳужалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича ҳисобот ва ҳулосаларини эшитиш;
- п) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қонун ҳужжатларида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
- р) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- с) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- т) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият томонидан йирик битимлар ва жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек қўндалик ҳужалик фаолиятига тегишли бўлган битимларни белгилаш;
- у) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ф) амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда қўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш;
- х) Шу билан бирга акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколати доирасига қуйидагилар қиради:
- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошқор қилиш шаклини тасдиқлаш;
 - Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;
 - ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар - маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - Жамиятнинг жорий ҳужалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;
 - хомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам курсатиш (олиш) тартиби ва шарҳларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, уни ваколатини вақилга бериш йули билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
 - санок комиссиясига амалий қўмақ курсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қўғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
 - Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш ҳаражатини қўплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
 - акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

- Корпоратив бошқарув Кодексда белгиланган бошқа масалаларни ваколат доирасида хал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши хал килиши учун берилиши мумкин эмас, ушбу Уставда кузда тутилган холлар бундан мустасно.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи хал килиши учун берилиши мумкин эмас.

7.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга куйилган масалалар буйича куйидагилар овоз бериш ҳуқуқига эга булади:

жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;
қонун ҳужжатларида назарда тутилган холларда жамиятнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

7.10. Овозга куйилган масала буйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар қонун ҳужжатларида бошқача коида белгиланмаган бўлса, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

7.11. Ушбу Уставнинг 7.8. бандининг а, б, в, д, н, о - хат бошиларида курсатилган масалалар буйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг туртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

7.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби буйича акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул килиш тартиби ушбу устав ёки жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган бошқа ҳужжатларида белгилаб куйилади.

7.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар буйича қарор қабул килишга, шунингдек кун тартибига узгартишлар киритишга ҳақли эмас.

7.14. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари қонун ҳужжатларида ҳамда ушбу уставда назарда тутилган тартибга асосан ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан уттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

7.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ишгирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида кайд этилган акциядорлар эга булади.

7.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик курилаётганда акциядорларга такдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-ҳужалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, жамият кузатув кенгашининг бошқарув раиси (хорижий менежер)ни ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартноманинг амал килиш муддатини узайтириш, шартномани кайта тузиш ёки бекор килиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойихаси ёки жамиятнинг янги тахрирдаги устав лойихаси киради.

7.17. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси булиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар курсатишга ҳақли.

Шунингдек, Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш

комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари курсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Шу билан бирга, жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси булиб камида бир фоизига эгаллик килувчи акциядорлар (акциядор) соф фонда таксимоти буйича, жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига номзодлар буйича ҳамда уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига кадар алмаштириш имконияти билан кун тартибига таклифлар беришга ҳақли.

7.18. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ун кундан кам ва уттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

7.19. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг уз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

7.20. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан уттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

7.21. Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик килувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ун кун ичида жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

7.22. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини гаркатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.23. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан утган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) булади.

7.24. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади.

Акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилишини утказишда кун тартибини ўзгартиришга йул қуйилмайди.

7.25. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши Урнига чақирилган тақрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирк фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан утган бўлса, акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилиши ваколатли булади.

7.26. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи бигта акцияси - битта овоз» принципи буйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш буйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

7.27. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари буйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

7.28. Овоз бериш яқунлари буйича санок комиссияси овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам уз ичига олади ва санок комиссиясининг

аъзолари томонидан имзоланади.

7.29. Овоз бериш яқунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида уқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш яқунлари тўғрисидаги хисоботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

7.30. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ун кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш қоғиби томонидан имзоланади.

8. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

8.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, ушбу Устав ва қонунчилик билан акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно. .

Жамият кузатув кенгаши уз фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатлари, мазкур Устав ва “Жамият кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширади.

8.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қурилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг хисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда I жамият фаолиятининг устувор йуналишларини белгилаш;

- жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- жамият уставига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш ёки янги тахрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорлар умумий йиғилиши қарорига киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил қилиш;

- қонунда ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қозғаларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, бунда жамиятнинг қелғуси йилга мулжалланган бизнес режасини жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг I декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

- корпоратив бошқарув кодексида қузда тутилган низомлар, тартиблар ва жамиятни бошқарув раиси лавозимида танлов асосида тайинлаш бўйича регламентни тасдиқлаш, ўзгартириш ва бекор қилиш;

- жамиятнинг йиллик хисоботи билан бирга жамиятнинг йиллик молия-ҳужалик фаолиятини аудиторлик текшируви яқунлари бўйича ташқи аудиторнинг хисобот ва ҳулосасини эшитиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш. Бунда жамиятнинг йиллик хисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан қаида ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим;

- йилнинг ҳар чораги яқунлари бўйича ижроия органи ва ички аудит хизмати хисоботларини эшитиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ҳаражатларининг йиллик сметасини тасдиқлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг хисоботларини эшитиб бориш;

- жамият бошқарув раиси (хорижий менежер)ни ва бошқарув аъзоларини тасдиқлаш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва хоказо), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тухтатиш масалаларини ҳал қилиш;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига қадар ижроия органи ваколатини муддатидан илгари тухтатиш ва ижроия органи раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан факт хизмат максадалида фойдаланиши мумкин;

- ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш, шунингдек, курсатилган тўловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 - сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа ҳужалик юригувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида"ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим курсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;

- жамият тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар бериш;

- акциялар буйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг бошқарув органлари фаолият тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

- жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиалларини ташкил этиш;

- жамиятнинг шуъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ узгартиш ва қушимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- Фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонунчилик билан белгиланган миқдорда хайр саховат, эҳсон (благотворительность) ва бошқа текинга, пулсиз (безвозмездно) амалга ошириладиган ёрдамлар буйича қарор қабул қилиш ва ушбу ёрдамларни курсатиш (қабул қилиб олиш) тартибини белгилаш;

- тегишли масалалар буйича кузатув кенгаши қошида комитетлар (ишчи гуруҳлар) тузиш;

- кимматли коғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

- кимматли коғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) қушимчалар киритиш ҳамда ушбу ўзгартириш ва қушимчалар билан боғлиқ бўлган ўзгартириш ва (ёки) қушимчалар матнини тасдиқлаш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда акцияларни жойлаштириш (кимматли коғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- кимматли коғозларнинг хосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- хомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам курсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошқор этган тарзда қабул қилиш;

- кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари уқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар буйича кумиталар (ишчи гуруҳлари)

ташқил этиш;

- ушбу Устав, корпоратив бошқарув кодекси ва қонунчиликка мувофиқ кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам хал этиш.

Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалаларни хал қилиш, жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

8.3. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Устав ва қонунчиликда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланадилар.

8.4. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан Кузатув кенгашининг аъзосини ҳар бири(хаммаси)нинг ваколати муддатидан илгари тухтатилиши мумкин.

8.5. Жамият кузатув кенгашининг миқдор таркиби 9 (туккиз) нафар аъзодан иборат бўлиб, бунда Корпоратив бошқарув кодексида акс эттирилган мустақил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кузда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси - йирик акциядорлар томонидан қилишилган ҳолда тавсия этилади ва сайланади.

8.6. Жамият бошқаруви аъзолари ва директори, унинг шубба ва тобеъ хужалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) буйича ишлаётган шахслар ва жамиятни назорат қилувчи давлатнинг ишчи ва мансабдор шахс ходимлари мазкур жамиятнинг бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланишлари, тайинланишлари мумкин эмас.

Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган шахслар мазкур жамиятнинг кузатуви кенгаши аъзолари бўлиши мумкин эмас.

8.7. Кузатув кенгаши таркибига қонунда назарда тутилган тартибда ушбу жамиятнинг акциядорлари ҳисобланмаган шахслар ҳам сайланиши мумкин.

8.8. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қуйиладиган талаблар “Жамият Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

8.9. Акциядор ўзига тегишли акциялар буйича овозларни жамият кузатув кенгашининг битта номзодига тулик беришга ёки бир нечта номзод ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

8.10. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

8.11. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

8.12. Жамият кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

8.13. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташқил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташқил этади, акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади.

8.14. Жамият кузатув кенгашининг раиси йуклигида унинг вазифасини кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

8.15. Жамият номидан бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартнома Кузатув кенгаши раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

8.16. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг уз ташаббуси билан, кузатув кенгашининг аъзоси, тафтиш комиссиясининг, жамият ижроия органининг, шунингдек мазкур Уставда белгилаб қуйилган бошқа шахсларнинг талабига биноан чақирилади.

Жамият овоз берувчи акцияларининг хаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор), жамият кузатув кенгаши мажлисини чақиритишга ҳақли.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чақиритиш ва ўтказиш тартиби мазкур Устав ва “Жамият Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомда белгилаб қуйилади.

Кузатув кенгаши мажлислари ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

8.17. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

8.18. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставига назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган ҳақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

8.19. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, жамият Устави ва қонунчиликда бир овоздан қарор қабул қилиш белгиланган ҳолатлар бундан мустасно. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолларда кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

8.20. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси уз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йул қуйилмайди.

8.21. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сунг 10 кундан кечиктирмай тузилади.

8.22. Мажлис баённомасида қуйидагилар курсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисида ҳозир бўлган шахслар;

мажлисининг кун тартиби;

овоз беришга қуйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

8.23. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисида ишгирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлисининг баённомаси тугрилиги учун жавобгардир.

8.24. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йули билан (суров йули билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

8.25. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар уз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳаражатларининг урни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

8.26. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатув кенгаши раиси томонидан Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун тақдирлаш пули миқдори фаолият самарадорлигига қараб акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

8.27. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳаражатларининг ўрни қопланади.

Кузатув кенгаши аъзоларига ҳар чоракда рағбатлантириш пули жамият бизнес ражасида белгиланган фаолият самарадорлик йиғинди кўрсаткичини бажариш фоизига қараб тўланади. Рағбатлантириш миқдори Кузатув кенгаши раисига Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 (йигирма) баравари миқдорида ва Кузатув кенгаши аъзоларига Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 (ўн беш) баравари миқдори, бизнес-режа бўйича бажарилган фаолият самарадорлик йиғинди кўрсаткичига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Агар самарадорлик йиғинди кўрсаткичи бажарилиш даражаси 60 фоиздан кам бўлган ҳақдирда рағбатлантириш пули кузатув кенгаши аъзоларига тўланмайди.

8.28. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорлик жамияти олдида қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ жавоб берадилар. Бунда овоз беришда

катнашмаган ёки жамиятга зарар етказувчи қарорга қарши овоз берган жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

8.29. Мажлисида кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

9. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

9.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш 4 (турт кишидан иборат бўлган коллегиял ижроия орган (бошқарув) томонидан амалга оширилади.

Жамиятнинг коллегиял ижроия органи (бошқарув) таркиби “Ижроия орган тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

Акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбари- (бошқарув раиси)ни тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган ““Ўзпаравтотранс” АЖ бошқаруви раиси лавозимига танлов бўйича тайинлаш регламенти” асосида ўтказилган танлов натижаларига кўра қабул қилинади. Бунда бошқарув раиси, бошқарув аъзолари ва хорижий менежерлар жамият кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади).

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ижроия органи аъзолари сайланганда, акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакилларининг ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз беришга ҳақли эмас.

Жамият номидан жамиятнинг бошқарув раиси, бошқарув аъзолари ва хорижий менежерлар билан меҳнат шартномасини жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Бошқарув раиси (хорижий менежер) коллегиял ижроия орган(бошқарув)ни бошқаради ва улар фаолиятини тартибга солиб мувофиқлаштириб боради.

9.2. Жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув уз фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатлари, мазкур Устав ва “Жамият ижроия органи тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширади.

9.3. Кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йул қўйилади.

9.4. Жамият ижроия органининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар қиради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.5. Бошқарув раиси(хорижий менежернинг вазифалари:

- уз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгашига йиллик бизнес-режа ижроси бўйича, ҳамда уз ваколатига қирувчи бошқа ишлар бўйича ҳисоботларни белгиланган муддатларда тақдим этиш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари па бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- ишлаб чиқилган жамиятни ривожлантирувчи дастурлари ва бизнес-режаларини бажарилиши билан боғлиқ ёки беъвосита бошқарув раисининг буйруқ, фармойиш ва топшириқларини бажариш билан боғлиқ вазифаларни бажаришда ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш бўйича барча чора ва тадбирларни қуриш;

- жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

- жамият фаолиятини ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган микродорларда фойда олишни таъминлаш;

- жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

- жамиятнинг барча таркибий бўлинмаларининг шу билан бирга ижро органи вакилларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлигилигини таъминлаш, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга уз вақтида тақдим этилиши, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этиш;

- жамиятнинг молиявий-хужалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига кўра тусикларсиз тақдим этилиши;

- давлат статистика ҳисоботи тегишли органларга тулик ва уз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

- жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларнинг сақланиши, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса, жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати кузатув кенгаши томонидан белгиланади;

- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

- жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини куриш;

- меҳнат ва технология интизомига риоя қилиниши, ижгимоий қафолатларга риоя қилинишини таъминлаш ва жамият ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш;

- жамоа музокараларида ижроия орган вакилларининг иштирокини таъминлаш. Жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қағнашиш. Жамоа шартномаси буйича мажбуриятларни бажариш;

- ўзок муддатли хизмат сафари ва меҳнат гаътили вақгини кузатув кенгаши билан келишиш, узи йуклиги даврида ижроия орган раҳбари вазифасини бажарувчи тўғрисида кузатув кенгашига ахборот бериш;

- мазкур Устав ва қонунчилик билан ижроия органи ваколатига киритилган бошқа масалаларни амалга ошириш.

9.6. Бошқарув раиси(хорижий менежер қуйидаги ҳуқуқларга эга

- акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошқа ҳужжатлари ҳамда меҳнат шартномаси билан бошқарув раиси (хорижий менежер) ваколатига юклатилган жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш буйича барча масалаларни мустақил ҳал этиш;

- акциядорлик жамияти номидан ишончномасиз иш юритиш, бошқа ташкилотлар ва органлар билан бўлган узаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш;

- акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошқа ҳужжатлари билан олдиндан келишган доираларда унинг мол-мулки ва пул-маблағларини гасарруф қилиш;

- шартномалар ва контрактлар, шу жумладан меҳнат шартнома (контракт)лари тузиш;

- ишончномалар бериш;

- банкларда ҳисоб-китоб счётлари ва бошқа счётлар очиш;

- узига буйсунувчи барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар ва курсатмалар бериш;

- ходимлар штатини тасдиқлаш, уни бутлаш;

- жамоа музокараларида жамият номидан иштирок этиш ва жамоа шартномалари ни тузиш;

- Жамият ходимларини моддий рағбатлантириш;

- Жамият ходимлардан ички меҳнат тартиби, ҳамда жамиятда амал қилаётган бошқа қоида ватартибларга, шунингдек меҳнат шарғномасига риоя қилишни талаб қилиш. Жамият ходимлари томонидан меҳнат интизомини бузган ҳолатларда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қуллаш;

- ходим билан меҳнат шартномаси расмийлаштириш вақтида унинг учун жамиятнинг хизмат ва тижорат сирини деб белгиланувчи ахборотларнинг ҳажми ва таркибини белгилаш;

- Бошқарув раисининг бўйсунувчидаги ижро органи аъзоларининг ўз мансаб вазифаларини бажариш билан боғлиқ фаолият олиб боришларида жамиятда ўрнатилган ички

меҳнат тартиб-қоидалари ва бошқарув раисининг топшириklarини фидокорона сифатли ва ўз вақтида бажармаслиги ҳолати юзасидан улардан тушунтириш хатлари олиш, уларга нисбаттан интизомий жазо чораларини қўллаш буйича ҳужжатлар тўплаш ва тўпланган ҳужжатларни тегишли тартибда чора куриш учун кузатув кенгаши раисига тақдим этиш;

- мазкур Устав ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

Жамият коллегиял ижро органи (бошқарув)нинг ваколатлари ҳуқуқ ва мажбуриятларига куйидагилар киради:

- Жамият булимлари фаолиятини бошқариш, жамиятнинг ишлаб чиқариш-техник хизматларига юклатилган топшириklarни муваффақиятли бажариш. Жорий ва истикболли юк ташиш режаларининг ишлаб чиқилишини бошқариш, автотранспортларнинг техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш режа-жадвалларининг ва бошқа ишлаб чиқариш-техник хизматларнинг иш-режаларининг тайёрланишига раҳбарлик қилиш;

- уз ваколат доирасида ишлаб чиқариш ва ҳужалик фаолият масалалари буйича буйруқлар чиқариш;

- меҳнат ва техник интизом (ички меҳнат тартиби қоидалари, устав ва интизом тўғрисидаги низом ва қоидалар)га риоя қилиш;

- жамиятнинг молиявий-иктисодий фаолиятига раҳбарлик қилиш.

- меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришнинг самаралигини ва рентабеллигини оширишга қаратилган жамиятнинг иктисодий фаолиятини ташкиллаштириш ва такомиллаштириш.

- лавозим йуриқномаси, меҳнат шартномаси ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ уз ваколат доирасига қирадиган бошқа масалаларни хал қилиш.

9.7. Жамиятнинг ижроия органини тузиш ҳамда унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш жамият Кузатув кенгашининг қарорига асосан амалга оширилади.

9.8. Жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонун ҳужжатларида, ушбу уставда ҳамда улар билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш буйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

9.9. Жамиятнинг бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори, жамият фаолиятининг самарадорлигига тугридан-тугри боғлиқ булади ва шартномада белгиланган булиши керак.

Бошқарув раиси ва аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 - сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа ҳужалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим курсаткичларига боғлаган ҳолда белгиланади.

Жамият ижроия органи (бошқарув) хизматиға ҳақ тўлаш ҳамда ҳақ ва компенсацияларнинг миқдори жамиятнинг “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

9.10. Жамиятнинг бошқарув раиси вазибаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришға фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йул қуйилади.

9.11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани агар бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари томонидан шартнома шартлари бузилган тақдирда тугатишға (бекор қилишға) ҳақли.

9.12. Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг бошқарув раиси (хорижий менежер) ва

бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

9.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала уша йиғилишнинг узида хал этилиши ёхуд жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида куриб чиқиш учун колдирилиши мумкин.

9.14. Жамият ижроия органи фаолиятини ташкил этиш қонун ҳужжатлари, мазкур Устав ва “Жамият ижроия органи тўғрисида”ги Низомга асосан тартибга солинади.

9.15. Шу билан бирга, жамиятнинг Бошқарув ваколатига куйидаги масала киради:

- Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки узаро боғланган бир нечта битимлар буйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс киймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот буйича жамият соф активлари миқдорининг 15 фоизигача ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қозғаларни жойлаш гириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

9.16. Жамият бошқарув раиси уринбосари бошқарув раиси бўлмаган пайтда жамият устави, лавозим йуриқномаси, бошқа ички (локал) ҳужжатлар ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ, бошқарув раиси билан келишилган ҳолда мустақил равишда жамият фаолиятига тегишли масалаларни хал қилади.

Бошқарув раиси уринбосари жамият бошқарув раиси бўлмаган пайтда уз буйнига жамиятни жорий бошқариш билан боғлиқ бўлган ваколатни олади ва куйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамият номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш;

Жамият манфаатларини барча ички (миллий) ва хорижий қорхона, ташкилот ва муассасаларда химоя қилиш;

Жамият устави ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, мол- мулк ва воситаларни тасарруф этиш.

Жамият ишчи-ҳодимлари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар (топшириқлар)ни чиқариш.

Жамият штат жадвалини тасдиқлаш;

Ишчи ҳодимларни ишга қабул қилиш ва ишдан озод этиш;

Жамият ишчи-ҳодимларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан тегишли чоралар куриш;

Банкларда ҳисоб, валюта ва бошқа счётларни очиш, шартномалар ва бошқа битимларни тузиш.

Унинг ваколатига тегишли бўлган бошқа масалаларни хал этиш.

Бошқарув раиси уринбосари жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш буйича ўз вазифаларини бажаришда куйидагиларга мажбур:

жамиятнинг ташкилий тузилмасига мувофиқ жамиятнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятига раҳбарлик қилиш, жамият бошқарув раиси бўлмаган пайтдларда жамиятни бошқариш.

Бошқарув раиси уринбосари жамият бошқарув раиси бўлмаган пайтда банк, пул, ҳисоб ҳужжатларга ва ҳужалик шарғномаларга имзо куйиш ҳуқуқига эга.

Жамият бошқарув раиси уринбосари омборхона ҳужжатларига, гаътил ҳужжатларига, лимит карта-ҳисоботларга, счёт-фактураларга, юк-қозига (накладная), статистик ҳисоботларга ва бошқа ҳужжатларга ваколат доирасида имзо куйиш ҳуқуқига эга.

10. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ, БОШҚАРУВ РАИСИ (ХОРИЖИЙ МЕНЕЖЕР) ВА БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

10.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари уз ҳуқуқларини амалга оширишда ва уз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кузлаб иш тутиши лозим ва белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

10.2. Агар ушбу боб коидаларига мувофиқ бир нечта шахе жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

10.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

11. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтиш комиссияси

11.1. Жамиятнинг молия-хужалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси (тафтишчи) сайланади.

Жамият тафтиш комиссияси сон таркиби 3 (у •) кишидан иборат.

11.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига дойр малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахе жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

11.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доираси ва фаолият курсатиш тартиби қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида"ги Низом билан белгиланади.

11.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-ху жалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

11.5. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг узида жамият кузатув кенгашининг аъзоси булиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) буйича ишлаши мумкин эмас.

11.6. Жамиятнинг молия-хужалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йули билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари буйича амалга оширилади.

11.7. Жамиятнинг тафтиш комиссияси жамиятнинг молия-хужалик фаолиятини текшириш якунлари буйича ҳисобот ва хулоса гузади, бу хулосада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида курсатилган маълумотларнинг ишончлилигига дойр баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хужалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот курса гилади.

11.8. Жамиятнинг молия-хужалик фаолиятини текшириш якунлари буйича тафтиш комиссия ҳисобот ва хулосаси акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

11.9. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга дойр талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

11.10. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларининг ҳар бттасига тафтиш комиссиясидаги фаолияти учун ҳар чоракда Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) энг кам иш хакининг 3 (у •) баробари г а ч а миқдориди рағбатлантириш тўланиши мумкин.

б) Жамиятнинг ички аудит хизмати

11.11. Жамият активларининг баланс киймати энг кам иш хаки миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлганда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

11.12. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга

риоя этилишини, бухгалтерия хисобида ва молиявий хисоботларда маълумотларинг тулик хамда ишончли тарзда акс этирилиши таъминланишини, хужалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган коидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сакланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш хамда мониторинг олиб бориш оркали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколагхоналари ишини назорат килади хамда баҳолайди.

11.13. Жамиятнинг ички аудит хизмати уз фаолиятини қонун хужжатларида белгиланадиган тартибга мувофик амалга оширади.

11.14. Жамиятнинг ички аудит хизмати ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши АЖга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

в) Аудиторлик ташкилоти хизмати (ташқи аудит)

11.15. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофик қонун хужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хужалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга текшириш яқунлари буйича хисобот хамда аудиторлик хулосасини тақдим этади.

11.16. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий хисоботи ва молияга дойр бошқа ахборот ҳақидаги нотугри хулосани уз ичига олган аудиторлик хулосаси тузил ганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар Булади.

11.17. Жамият Устав фондидаги (уехав капиталидаги) давлат улуши эллик фоиздан кўп бўлган холда аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чикариш ва ракобагни ривожлантириш давлат кумитаси хамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатдан келиб чиккан холда танлов асосида амалга оширилади.

12. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ МАСЛАХАТЧИСИ

12.1. Жамият кузатув кенгаши томонидан унга хисобдор бўлган ва корпоратив қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назорат килиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслахатчиси лавозимини жорий этади.

12.2. Жамият корпоратив маслахатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

13.1. Устав буйича келиб чикадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг узаро келишуви йули билан амалдаги қонун хужжатлари ва ушбу уставга асосан хал қилинади.

13.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йули билан хал килиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд оркали хал қилинади.

13.3. Мазкур Устав жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб қучга киради.

13.4. Мазкур Уставда назарда тугилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя килиш тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида тартибга солинади.

«O'zparavtotrans» акциядорлик жамияти
бошқарув раиси:



С.Х.Мукаррамов